2000 ЙИЛ-СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ

Куч—адолатда

# АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган · 1999 йил, 10 декабрь, № 40 (233) · Жума кунлари чиқади · Сотувда эркин нархда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
V.№

**Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади.**

**Ислом КАРИМОВ.**

# ИСЛОМ КАРИМОВ - ЖИЗЗАХ ХАЛҚИНИНГ ҚАЛБИДА ВА ДИЛИДА

***Мамлакатимиз халқи куни кеча ўта муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеанинг гувоҳи бўлди - 5 декабрь куни Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга сайловлар бўлиб ўтди. Айни кунларда эса халқимиз яна бир улкан воқеа ҳаяжони билан яшамоқда. 2000 йилнинг 9 январь куни халқимиз ХХ1 асрда мустақил давлатимизни озодлик ва фаровонлик, тинчлик ва барқарорлик, тараққиёт ва демократия йўлидан бошлаб борадиган Президентни сайлайди. Зеро, озод юртимизнинг фаровон келажагини таъминлаш, бу йўлдаги ислоҳотларни изчил давом эттириш, халқимизнинг эртанги тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, фуқароларнинг турмуш фаровонлигини оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўтказиладиган сайловлар натижаси, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи аҳамият касб этади.***

***Шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб Президентликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. 9 декабрь куни Жиззах шаҳрида Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Каримовнинг вилоят сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.***

Унда Жиззах вилояти меҳнаткашлари, хўжалик раҳбарлари, тадбиркорлар, зиёлилар, хотин-қизлар ва талабалар ҳамда сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 4-Жиззах округ сайлов комиссияси раиси Хидир Шукуров очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон Қаҳрамони, Жиззах туманидаги Ҳамроқул Носиров номли жамоа хўжалигининг пахтачилик бригадаси бошлиғи Парда Зиёдов сўз олиб, сайловчиларни Президентликка номзод Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди. У Президентликка номзоднинг мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш, миллий ўзбек давлатчилиги асосларини яратиш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, тарихий ҳақиқат ва миллий анъаналаримизни тиклаш, кучли ижтимоий сиёсат, тамомила янги, ўзига хос таълим тизимини яратиш, жамиятда янги маънавий ва ахлоқий қадриятлар устуворлигини, тинчлик, барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни таъминлаш, тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга оширишдаги улкан хизматларини қайд этди. Жиззах вилоятида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда Ислом Каримовнинг ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги борлигини ҳам алоҳида таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари, аввало, унинг номзодини қўллаб-қувватлаган барча жиззахликларга ташаккур айтиб, воҳа аҳлини неча йиллардан буён орзиқиб кутилган катта меҳнат ғалабаси - улкан пахта ва ғалла хирмони бунёд этилгани ҳамда бу соҳалардаги шартнома режалари бажарилгани билан самимий табриклади. Бу билан Жиззах эли чиндан ҳам ғурурли, ўз қадр-қимматини биладиган, ор-номусини ҳамма нарсадан баланд қўядиган халқ эканини яна бир карра исботлади, деди Юртбошимиз. Одамлар ўз ҳаётининг кундан-кунга яхшиланаётганини кўрса, бугунги қийинчиликларга бемалол бардош беради. Ўз уйини ўзи обод этаётган кишилар танлаган йўлимиз маъқул эканини амалий иши билан исботламоқда.

Шундан сўнг мамлакатимиз раҳбари бевосита сайловлар масаласига тўхталиб, халқимиз ҳаётидаги муҳим воқеа - Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўладиган сайлов арафасида дунё ҳамжамияти мамлакатимизга синчков нигоҳини қаратиб турганлигини таъкидлади.

5 декабрь куни Олий Мажлисга ўтказилган сайловларнинг дастлабки натижалари ҳамда сабоқларига эътиборни қаратди, сайлов жараёнида учраган айрим ҳолатлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Сайловчилар, эртага сенга овоз берадиган одамлар олдидаги чиқишларда, халқ билан мулоқот қураётганда, кўпчиликка яхши кўриниш учун, уларнинг кўнглини ром этиш учун осон йўлга, яъни бугунги камчилик ва нуқсонларни, муаммо ва етишмовчиликларни рўкач қилиб, уларни кескин танқид остига олиб, одамларнинг оғирини енгил қилиш бобида катта-катта ваъдалар бериш ва сохта обрў олиш йўлига ўтиб кетиш қийин эмас, деди Ислом Каримов. Лекин бу жуда қалтис ва нопок йўл.

Бундай йўл тутиш одамларни алдаш, уларнинг энг эзгу ниятларини топташ, демакдир. Ҳақиқат ва инсон виждони олдида хиёнатдир. Сохта ваъдабозлик охир-оқибатда албатта фош бўлади. Қуруқ ваъда берган, нопок йўллар билан амал-мансабга интилган кимса эртага одамларнинг кўзига қандай қарайди, эл-юрт олдида қандай қилиб бош кўтариб юради, деган ҳақли саволларни кўндаланг қўйди Йўлбошчимиз.

Ваъда бериш, танқид қилиш, масалага амалий ҳаётдан йироқ нуқтаи назардан қараш ва умумлаштириш, бир қарашда тўғри, ақлли бўлиб туюладиган гаплар билан одамларнинг хаёлини чалғитиш мумкин. Ҳолбуки, мана шу ақлли, тўғри хулоса ва таклифларни қандай амалга ошириш йўлларини кўрсатиб бериш, аниқ ва ҳар томонлама асосланган амалий дастурлар билан чуқур, атрофлича ҳисоб-китоблар орқали тасдиқлаб бериш вазифаси камдан-кам одамнинг қўлидан келади. Бунга эришиш учун ҳаёт мураккабликларини, бугунги ўта таҳликали замонни китоб ва матбуотдан эмас, ўз тажрибасида кўриб, бевосита ўз бошидан кечириш талаб қилинади.

Раҳбар бўлишни ўйлаган одам оддий кишиларнинг қалбига кирмаса, уларнинг ишончини қозонолмаса, минглаб чиройли чақириғу ваъдалар билан ҳам бирон амалий иш қилиб бўлмайди. Менинг қанотим, суянчиғим, ишончим сизларсиз! Сизлар қўлламасангиз, ёлғиз ўзим нима ҳам қила олар эдим! Мен фақат сизлардан қувват оламан, деди Ислом Каримов.

Мамлакатимиз раҳбарининг бу самимий сўзлари йиғилиш иштирокчиларининг дилидаги гап экани сезилиб турарди. Юрагига улуғ ниятларни жо қилган ва тоза қалб билан элга раҳнамолик қилаётган инсонгина ана шундай гапларни айтиши мумкин.

Мен Жиззах деганда, аввало, шу юртда яшайдиган минглаб лафзи ҳалол, мард, заҳматкаш инсонларни кўз олдимга келтираман, деди мамлакатимиз раҳбари. У шундай одамлар билан учрашиб турганидан мамнуният изҳор қилди. Чунки, ҳар бир инсон учун ўзига руҳан яқин кишилар билан дийдор кўришишдан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Жиззах воҳасининг гўзал ва бетакрор гўшаларини, Бахмал ва Зомин манзараларини, Форишнинг баланд тоғларини бир бор кўрган киши бу жойларга мафтун бўлиб қолиши муқаррар. Бугунги кунда Ўзбекистон халқ хўжалигини Жиззах вилоятисиз тасаввур этиш қийин. Лекин яқин ўтмишимизда шундай вилоятни тугатиб юборишга уринишлар бўлганини соғлом ақлга сиғдириб бўлмайди. Ислом Каримов Жиззахнинг вилоят сифатидаги мақоми тикланишига ҳисса қўшган бир инсон сифатида фахрланишини таъкидлади. Жиззахни харитадан ҳам, тарих саҳифасидан ҳам ҳеч ким ўчиролмайди, деди.

Воҳанинг қадимий ва шонли ўтмишига тўхталиб, Жиззах шаҳрининг ўзи икки минг йиллик тарихдан гувоҳлик беради, деди. Жиззах ҳақида Х асрда араб сайёҳлари ёзиб қолдирган ноёб маълумотлар мавжуд. Бу маскан араблар истилосига қадар Усрушонанинг йирик шаҳарларидан бири бўлган. Бу юрт табаррук аждодларимиз қадами етган муқаддас маскан. Вилоятда буюк боболаримиз номлари билан боғлиқ кўплаб қадамжолар бор. Буюк Амир Темур номи билан аталувчи дарвоза манзилидаги тошларда Мирзо Улуғбек томонидан битиб қолдирилган эсдалик лавҳаси шонли ўтмишимиздан дарак бериб турибди.

Шу муносабат билан Ислом Каримов халқимиз азалдан «Темур дарвозаси» деб атаб келган жойни расман «Соҳибқирон Амир Темур дарвозаси» деб номлаш ва бу ерда ёдгорлик ўрнатиб, уни қутлуғ зиёратгоҳга, қадамжога айлантириш таклифини айтди.

Давлатимиз раҳбари мазкур замин одамлари азалдан озодликка, ҳурриятга интилиб келганини, 1916 йилги Жиззах қўзғолони миллий озодлик йўлида халқимиз олиб борган кураш тарихининг шонли саҳифасини ташкил этишини таъкидлади. Зулм ва ҳақсизликка қарши, мустақиллик йўлида жонини қурбон қилган Назирхўжа Абдусалом ўғли, Қосим Хўжа, қирғиз фарзанди Дониёлбек, Абдураҳмон Абдужаббор ўғли, Туротбек Турдибек ўғли каби юзлаб фидойи, жасур ва ориятли инсонларни миллатимиз ҳеч қачон унутмайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Жиззах вилоятидан етишиб чиққан фан ва маданият арбоблари, таниқли ижодкорлар, ишлаб чиқариш илғорлари ҳам ўз юрти довруғини бутун мамлакатимизга таратдилар. Улар орасида, айниқса, дилбар шоир Ҳамид Олимжоннинг ижоди миллионлаб адабиёт мухлислари қалбидан мустаҳкам жой олган.

Халқимиз, мамлакатимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк инсон Шароф Рашидов хотирасини ёдга олар экан, Юртбошимиз бугунги Ўзбекистон тараққиётига ҳал қилувчи таъсир ўтказаётган корхона ва иншоотларнинг қурилишига, юртимиз ривожига, унинг обод бўлишида бу инсонпарвар зотнинг ҳиссаси катта эканини қайд этди. Бу муҳтарам зот хизматининг эъзозланиши нафақат мамлакатимиз, балки собиқ шўролар ҳудудидаги барча давлатларда кучли акс-садо берганини айтди. Биз ўтганларга таъна тоши отиш йўлидан эмас, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш йўлидан бордик. Бу соф ўзбекона одат, қон-қонимизга сингган удум.

Жиззах вилоятининг моддий ва маънавий салоҳияти, ишлаб чиқариш кўлами ва деҳқончилик маҳсулотлари етказиш бўйича юртимиз халқ хўжалигида тутган ўрни ҳақида гапирар экан, мамлакатимиз раҳбари ҳозиргача қилинган ишларга холисона баҳо бериш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш чораларига алоҳида тўхталди.

Маълумки, 90-йилларнинг бошида собиқ шўро ҳудудида рўй берган иқтисодий таназзул натижасида Жиззахда ҳам айрим ишлаб чиқариш корхоналари тўхтаб қолган эди. Вилоят марказидаги ишқорли аккумуляторлар ишлаб чиқарадиган завод бир неча йил давомида маҳсулот бермади.

Бугунги кунда шу завод негизида Американинг «Эксайд» фирмаси билан ҳамкорликда йилига 1 миллион дона қўрғошинли аккумулятор батареялари ишлаб чиқарадиган ҳамда 8 минг тонна иккиламчи қўрғошинни қайта ишлаш қувватига эга бўлган «УзЭксайд» қўшма корхонаси ташкил этилди. Бунга 78 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий сармоя жалб қилинмоқда.

Жиззахдаги қуюв-механика заводи қурилиши ҳам тугалланмай ётган эди. У Ўзбекистон Фанлар академияси тасарруфига ўтказилиб, ишлаб чиқариш марказига айлантирилди. Ҳозирги кунда мазкур корхонада бир неча турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда.

Енгил саноат тармоқлари, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида хорижий сармоялар иштирокида яна бир неча қўшма корхона барпо этилди. Айни пайтда «Жизантеп», «Жибри», «МК Трайдинг» каби 16 та қўшма корхона маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Умуман олганда, вилоятда 1991 йилдан 1999 йилгача бўлган даврда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми уч баробар ортди.

Ҳозирги кунда Учқулоч конидан йилига 2 миллион тонна қўрғошин-рух рудаси олинмоқда. Оқтош, Қоратош, Узук мармар конларида ҳам харидоргир маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Вилоятда, шунингдек, йилига 100 минг тонна оҳак тайёрловчи завод ишлаб турибди. Жиззах пластмасса заводи қошида эса йилига 300 минг дона чинни буюм ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилди.

Қишлоққа саноатни олиб келиш ислоҳотларнинг муҳим бир қисмидир. Шу маънода, Бахмал туманида 10 миллион дона ғишт ишлаб чиқарадиган, Зарбдор туманида 8 минг тонна пахта толасини қайта ишлайдиган, Фориш туманида эса 860 минг тонна оҳактошни парчалайдиган корхоналар ишлаб тургани эътиборга моликдир.

Вилоятда қазилма бойликларнинг катта миқдордаги заҳиралари мавжуд. Бахмал, Ғаллаорол, Зомин, Фориш ва Зафаробод туманларида жойлашган конлар бағрида олтин, кумуш, вольфрам, қўрғошин, рух, темир, гранит, корунд каби ноёб моддалар бор. Улардан халқ манфаати йўлида фойдаланиш истиқболдаги муҳим вазифаларимиздан биридир.

Замонавий алоқа воситаларини кенгайтириш соҳасида ҳам талай ишлар қилинмоқда. Яқинда Жиззахга индонезиялик ҳамкорлар билан Японияддан 35 миллион АҚШ доллари миқдоридаги мукаммал алоқа ускуналари олиб келинди ва ишга туширилди.

Бу катта ишнинг бошланиши, холос. Вилоятда 2003 йилгача яна 150 миллион АҚШ доллари ҳажмида хорижий сармоя ўзлаштирилиб, янги алоқа тармоғи вужудга келтирилади. Натижада Фориш, Бахмал, Ғаллаорол туманларининг энг чекка қишлоқларида ҳам дунёнинг исталган нуқтаси билан боғланиш имконияти туғилади.

Қишлоқ хўжалигини замон талаблари асосида ислоҳ қилиш масалаларига Юртбошимиз алоҳида эътибор қаратди. Узоқ вақтлардан бери ўз ҳолига ташлаб қўйилган ариқ-зовурлар, дренаж қувурлари тозаланиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш муҳим, албатта. Лекин қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишда мулкчиликнинг шаклини ўзгартириш, ерни ўз эгасига топшириш, илғор технологияларни қўллаш энг асосий масала бўлиб қолаверади.

Ислом Каримов мулкчилик шаклининг ўзгараётгани ҳозирданоқ амалий натижалар бераётганини таъкидлади. 1994 йилда вилоятдаги 1600 га яқин деҳқон ва фермер хўжалиги ихтиёрида 50 минг гектар ер бўлган бўлса, 1999 йилда бу рақам икки ярим баробар ортиб, улар тасарруфидаги ер майдони 116 минг гектарга етди.

Арнасой тумани кўп йилдан буён пахта тайёрлаш режасини бажармай келарди. Бу йил тумандаги 11 та қолоқ хўжалик тарқатилиб, уларнинг ер майдони деҳқон ва фермерларга бўлиб берилди. Бунинг натижаси бир йилдаёқ кўзга яққол кўринди-қолди. Туман пахта, ғалла топшириш бўйича шартнома режаларини ортиғи билан бажарди. Зафаробод туманида ҳам бу тажриба ижобий самара берди.

Дўстлик туманидаги «Манас» ижара ширкатлар бирлашмасида Гадойбой Шодиев бошлиқ фермер хўжалиги бор. У ўз фарзандлари ва набиралари билан 21 киши бўлиб деҳқончилик қилади. Тўрт йилдирки, бу фермер хўжалиги юқори ҳосил олади. Бу йилги ҳосилдорлик 41 центнерни ташкил этди. Албатта, даромад ҳам шунга яраша бўлади. Ҳозирги кунда бу хўжаликнинг битта «КаМАЗ» машинаси, иккита «Алтай», учта «Беларусь» трактори, учта енгил машинаси бор. Мамлакатимиз раҳбари ҳалол меҳнати билан ўзига ҳам, оиласига ҳам, элу юртга ҳам катта наф келтираётган шундай одамларга ташаккур билдирди.

Жиззах вилоятида деҳқончиликни янада ривожлантириш сув таъминоти билан боғлиқ экани ҳақида гапирар экан, Ислом Каримов бундан буён ҳам Жанубий Мирзачўл канали, Жиззах, Зомин, Қоровултепа сув омборлари, Жиззах бош насос станцияси каби муҳим ва йирик суғориш иншоотларидан омилкорлик билан фойдаланиш лозимлигини айтиб ўтди.

Ислом Каримов вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ қуйидаги муаммоларга ҳам диққатни қаратди.

Биринчидан. Вилоятдаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва уни босқичма-босқич амалга ошириш, бунда хорижий инвестиция ва ички имкониятлардан фойдаланиш зарур. Воҳанинг муаммолари кўп. Лекин Жиззах шароитида барча муаммони ҳал қилишнинг биринчи шарти ернинг унумдорлигини ошириш бўлиб қолаверади. Мамлакатимизнинг бошқа кўплаб минтақаларидан фарқли ўлароқ, Жиззахда ер кўп ва ундан оқилона фойдаланиш яқин келажакда фаровонликнинг бош омили бўлиб қолиши, шубҳасиз.

Муаммоларни ҳал қилишнинг иккинчи шарти эса оддий кишиларнинг инсоний шаънини, ғурурини, иззат-ҳурматини жойига қўйишдир, деб сўзида давом этди нотиқ. Одамлар меҳнатига яраша ҳақ олса, нафақат моддий, балки маънавий жиҳатдан ҳам рағбатлантириб турилса, бугунги айрим қийинчиликлар ҳеч гап бўлмай қолади. Юртбошимиз вилоят раҳбарларига қарата, жиззахликларнинг ҳурматини жойига қўя олсангиз, улар сиз учун жонини ҳам беради, деди.

Иккинчидан. Ер ресурсларидан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида мулк шаклини ижобий самара берадиган асосда ўзгартириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш зарур. Бунда ерни ўз вақтида одамларга тарқатиб бериш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки бу менинг ерим, менинг мулким, деган одамгина сидқидилдан меҳнат қилади.

Учинчидан. Қишлоқ хўжалигидаги сув танқислиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш мақсадида аниқ чоралар кўриш лозим. Жумладан, 2001-2005 йиллар мобайнида Зомин сув омбори ҳавзаси ва Зарафшон дарёсидан тортиладиган 213 километрли минтақавий сув ўтказиш тармоғи қурилиши тугалланиши керак.

Тўртинчидан. Аҳолини иш билан банд қилиш, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида янги иш ўринлари очилиб, меҳнат бозорини шакллантириш даркор. Бу борада вилоят бўйича махсус дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, 2005 йилгача қўшимча 60 минг янги иш ўринларини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Биз кимларгадир ёқиш учун эмас, аввало, халқимизни ўйлаб, халқимизнинг фаровонлигини кўзлаб шу йўлдан боряпмиз. Демократия бу - халқ фаровонлиги, тинчлиги, барқарорлиги, ўз ҳаётидан розилиги ҳамдир, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Мамлакатимиз халқини газ ва ичимлик сув билан таъминлаш ички сиёсатимизнинг бош масалаларидан биридир, деб сўзида давом этди Ислом Каримов. Гарчи, бугунги кунга келиб Жиззах вилояти аҳолисини газ билан таъминлаш 72 фоизга, тоза ичимлик суви билан таъминлаш эса 76 фоизга етган бўлса-да, ҳамон бу соҳада мураккабликлар бор. Айниқса, Бахмал, Зомин, Фориш каби тоғли туманларда бу масалаларни ҳал этиш осон эмас. Лекин биз қийинчиликлардан чўчимаймиз.

Шундан сўнг мамлакатимиз раҳбари 2000 йилни мамлакатимизда Соғлом авлод йили деб эълон қилинганлиги ҳақида тўхталди. Ёш авлод ҳақида доимий ғамхўрлик - мамлакатимиз раҳбарияти юритаётган ижтимоий сиёсатнинг узвий қисмидир. Жиззахда қуриб битказилган ва ҳозирги кунда фаолият олиб бораётган 4 та касб-ҳунар коллежи ва битта академик лицей бунга мисол бўла олади. Шу кунларда вилоятнинг барча туманларида биттадан, жами 12 та коллеж ва 1 та академик лицей қурилиши бошлаб юборилган. 2005 йилгача эса яна 89 та касб-ҳунар коллежи ва бешта академик лицей қуриш режалаштирилган.

Шунингдек, Ислом Каримов мактаб-маориф ишларида ўтиш даври қийинчиликларига мардона бардош бериб, ўз касбига садоқат билан ёш авлодга билим ва тарбия бериб келаётган минглаб фидойи муаллимларга, халқ саломатлигини сақлаш йўлида жонбозлик кўрсатаётган шифокорларга миннатдорлик билдирди.

Жиззах табиати соғломлаштириш масканлари яратиш учун жуда қулай. Вилоятнинг тоғ ва тоғ ёнбағирларида таркибида турли хил маъданлар мавжуд бўлган бир қатор шифобахш сув манбалари бор. Зомин, Ғаллаорол, Фориш, Мирзачўл туманларида шундай шифобахш сув ва маъданлар билан даволовчи сиҳатгоҳлар ишлаб турибди. Бундай масканларни кўпайтириш бўйича вилоятда ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар мавжуд. Бинобарин, бу соҳада кўп иш қилиниши зарур.

Давлатимиз раҳбари Аёллар йилида хотин-қизларнинг мавқеини кўтариш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш борасида бажарилган ишларни ҳам қайд этиб ўтди. Жумладан, «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш маркази»ни таъмирлашга 111 миллион сўм, барча қулайликларга эга бўлган 200 ўринли замонавий туғруқхона қурилишига 250 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ўзбекистондаги энг ёши улуғ момо - Тоқчилик қишлоғида яшовчи 122 ёшли Лутфи Шодиева юртимизнинг табаррук инсонларидан биридир. Чунки, юз йилдан ортиқ умр кўриш - ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган бахт. Вилоятда бир асрдан ортиқ умр кўраётган 90 дан зиёд пиру бадавлат отахону онахон, 79 минг 400 нафар нафақадор бор. Уларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, дуосини олиш - барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Мамлакатимиз раҳбари Ватанимизнинг хавфсизлигини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида тўхталди. Эндиликда одамларимиз дўст ким, душман кимлигини яхши билиб олди. Динни ниқоб қилиб, мамлакатимиз тинчлигига рахна солмоқчи бўлаётганлар, билиб қўйсинлар, биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз, деб яна бир бор алоҳида таъкидлади Йўлбошчимиз.

Айни чоғда, мамлакатимиз ҳаётига таҳлика солиши мумкин бўлган асосий хавф-хатар фақат четдан келмайди. Жамиятни ичидан емирадиган бепарволик, лоқайдлик, ўзибўларчилик, амалдорлар орасидаги коррупция, порахўрлик, таъмагирлик каби ярамас иллатлар ҳам бизнинг энг асосий душманимиздир, деди Ислом Каримов.

Айни пайтда чегараларимиз мустаҳкам, посбонларимиз ҳар қандай тажовузни бартараф этишга қодир. Бу масалада Жиззах халқи, бутун мамлакатимиз аҳли бехавотир ва хотиржам, ўз тинч меҳнати билан машғул бўлавериши мумкин.

Мен четдан келадиган хавфдан чўчимайман, деб гапида давом этди Ислом Каримов. Чунки ташқи душманга қарши қудратли армиямиз бор, чегараларимиз мустаҳкам қўриқланмоқда. Мени ҳали онги шаклланмаган ёшларимизнинг дилига ақидапарастлик ғояларини қуймоқчи бўлаётган ғаламислар кўпроқ ташвишлантиради. 3-4 йил олдин бу хавф унчалик катта эмас эди. Лекин Чеченистондаги, Тожикистон, Қирғизистондаги, Тошкент вилоятининг Янгиобод шаҳарчасидаги воқеалар бу хавф кескинлашаётганини кўрсатмоқда. 20-йилларда маърифатчилар халқ ичига юриш қилгани каби, бугун ҳам маънавият ва маърифат масалаларига катта эътибор қаратишимиз керак.

Ислом Каримов жиззахлик спортчилар эришаётган катта ютуқлар ҳақида алоҳида тўхталди. Жаҳон бокс майдонларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтарган, давлатимиз мадҳиясининг янграшига сабабчи бўлган жаҳон чемпиони Лазиз Зокиров ҳам Жиззах фарзандидир. Жиззахда миллий спорт турларига, халқ ўйинларига ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Яқинда бу ерда республика хотин-қизлари ўртасида ўтказилган «Тўмарис мусобақалари» ҳам ана шу ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Вилоят марказида спортнинг жуда кўп турлари билан шуғулланиш имконини берадиган улкан спорт мажмуи жадал суръатлар билан барпо қилинмоқда. Бу қурилишга 1 миллиард 200 миллион сўм ҳажмидаги капитал маблағ сарфланаётгани аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилаётган катта эътибордан далолат беради. Бу иншоот Наврўз кунларида жиззахликларга хизмат қила бошлайди.

Истиқлол йилларида «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!» - деган улуғ шиорни байроқ этган жиззахликлар вилоят марказининг ўзида 20 та бирбиридан чиройли гузар, Истиқлол боғи, болалар аквапарки, Сангзоркўл дам олиш маскани, ёпиқ сув спорти саройи, халқаро талабларга жавоб берадиган теннис корти, Хотира хиёбони, Маънавият ва маърифат марказининг муҳташам биносини барпо этдилар.

Шундан сўнг сайловчилар сўз олишди. «Жиззах овози» газетаси бош муҳаррири Акром Иномов, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, шоира Сайёра Тўйчиева, Жиззах олий авиация билим юрти взвод командири Шокир Холиқов, Жиззах тиббиёт билим юрти талабаси Барно Қодирова сўзга чиқиб, мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини, юрт озодлиги ва ободлигини, фарзандлар бахту саодатини, Ўзбекистоннинг буюк келажагини Ислом Каримов сиймосида кўришларини, шу боисдан ҳам 2000 йил 9 январь куни якдиллик ва ҳамжиҳатлик билан унга овоз беришларини билдирдилар.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ,**
**Мусулмон НАМОЗОВ,**
**Йўлчи ЖЎРАЕВ,**
**(ЎзА мухбирлари).**

